

Соҳага бахшида умр

// 21 may 2025 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/sohaga-bahshida-umr>



Май ойининг сўнги якшанбаси Кимёгарлар куни сифатида кенг нишонланади. Байрам муносабати билан узоқ йиллар давомида мамлакатимиз кимё саноати ривожини учун фидокорона хизмат қилиб келаётган “Ўзкимёсаноат” АЖнинг фидойий мутахассислари ҳақида тўхталиб ўтаемиз.

Евгений Александрович Коржиков – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари. Меҳнат фаолиятини 1986-йили “Навоийазот” корхонасида ишлаб чиқариш бирлашмаси таъмирлаш-механика цехи тоқари сифатида бошлаган. Евгений Александрович тоқарликдан кенг кўламли лойиҳалар раҳбарлигигача бўлган узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган.

Айни кунларда жамиятнинг бутун кимё тармоғини ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш ва замонавий ишлаб чиқаришларни ишга тушириш масалалари учун масъул. “Ўзкимёсаноат” АЖ жамоаси Евгений Александровични ўз касбининг моҳир устаси ва билимдони, адолатли раҳбар ва самимий инсон сифатида билади. Евгений Александровични касб байрами билан самимий табриқлаймиз ва келгуси ишларига улкан муваффақиятлар тилаймиз!

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати